

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ
ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ
ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
Қ А Р О Р И

Тошкент шаҳри

2024 йил 8 февраль

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати Т.Аннаеванинг раислигида ва ҳайъат аъзолари Ф.Ражабов ва Р.Сагатовдан иборат таркибда, Б.Муродқосимовнинг котиблигида, суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказишга кўмаклашаётган Қашқадарё вилоят судининг ходими Д.Маматазимов, даъвогар вакиллари – Р.Мухитдинов, “Enter Engineering Pte. Ltd” компанияси вакили – А.Джураев (2023 йил 20 октябрдаги 29-сонли ордер ва 2023 йил 12 октябрдаги 15/01-1126-сонли ишончнома асосида), “New Logistic” МЧЖ вакиллари – директор ўринбосари Ф.Расулов (2023 йил 23 январдаги ишончнома асосида) ва юрисконсулт Б.Субханқулов (2023 йил 25 апрелдаги ишончнома асосида), Тошкент шаҳар солиқ бошқармаси вакили – Б.Албекова (2024 йил 25 январдаги 10-13584-сонли ишончнома асосида)нинг иштирокида, даъвогар Божхона қўмитаси Қашқадарё вилояти бўйича бошқармасининг жавобгарлар “Enter Engineering Pte. Ltd” компанияси ва унинг Ўзбекистондаги доимий муассасаси, “New Logistic” масъулияти чекланган жамияти, “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти ва “Uzbekistan GTL” масъулияти чекланган жамиятидан 224 266 560 сўм божхона тўловларини ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича юритилган иш юзасидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 10 августдаги ҳал қилув қарори устидан Божхона қўмитаси Қашқадарё вилояти бўйича бошқармаси томонидан берилган тафтиш тартибидаги шикоят асосида ишни Олий суднинг биносида бўлиб ўтган видеоконференцалоқа режимидаги очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси 2021 йил 13 сентябрда 04-05/4-06698-сонли хат билан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига мурожат қилиб, унга асосан 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (бундан буён матнда Солиқ кодекси деб юритилади) 289³-моддаси биринчи қисмининг 1 ва 4-бандларида олиб қилинган (импорт қилинган) акциз тўланадиган товарлар рўйхати ҳамда уларга нисбатан акциз солиғи ставкалари белгиланганлиги, ушбу модданинг учинчи қисмида биринчи қисмининг 4-бандида назарда тутилган олиб қилинган (импорт қилинган) акциз тўланадиган товарларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатилганда, солиқ тўловчилари бўлиб ушбу



товарларни ўз эҳтиёжлари учун олиб киришни амалга оширган шахслар эътироф этилиши қайд этилганлиги, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари томонидан тузилган ташқи савдо шартномаларига асосан ўз эҳтиёжлари учун олиб келинган акциз тўланадиган товарлар (бензин, дизель ёқилғиси, суюлтирилган газ, сиқилган газ) импортга расмийлаштирилганда акциз солиғининг айнан қайси ставкалари қўлланилиши юзасидан тушунтириш беришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2021 йил 19 октябрдаги 06/04-01-02-32/2362-сонли хат билан Давлат божхона қўмитасига ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари томонидан импорт қилинган нефть маҳсулотларини ўз эҳтиёжлари учун ишлатсалар, яқуний истеъмолчига сотилганда тўланадиган акциз солиғи тўловчилари бўлиб, ўз эҳтиёжлари учун ишлатган хўжалик субъектлари ҳисобланиши қайд этилган ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз эҳтиёжлари учун олиб кираётган ёқилғи маҳсулотлари учун яқуний истеъмолчи сифатида тўланадиган акциз солиғини ундиришнинг назорати божхона идораларига юклатилганлиги маълум қилинган.

Шунга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 22 декабрдаги 8234их-сонли билдиргисига кўра, 2021 йил давомида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари томонидан ўз эҳтиёжлари учун олиб келинган ҳамда “эркин муомалага чиқариш” божхона режимига расмийлаштирилган нефть маҳсулотларига акциз солиғи ставкалари тўғри қўлланилганлиги юзасидан Давлат божхона қўмитасининг Қашқадарё вилояти бўйича бошқармаси томонидан ўрганиш ўтказилган.

Ўрганишда Қозоғистон Республикасининг ТОО “Servis Trans Plyus” корхонасидан “New Logistic” масъулияти чекланган жамияти номига “Ўзбекнефтьгаз” акциядорлик жамияти ва “Enter Engineering Pte Ltd” компанияси ўртасида тузилган шартнома доирасида “Enter Engineering Pte Ltd” компанияси доимий муассасаси (Ғузор) учун олиб келинган оғирлиги 812,56 тоннага тенг бўлган “дизель ёқилғиси” товарлари учун 10002/02.11.2021/0005465, 10002/02.11.2021/0005466, 10002/02.11.2021/0005467, 10002/02.11.2021/0005469, 10002/02.11.2021/0005470, 10002/02.11.2021/0005471, 10002/02.11.2021/0005484, 10002/02.11.2021/0005486, 10002/02.11.2021/0005492, 10002/02.11.2021/0005493, 10002/02.11.2021/0005494, 10002/02.11.2021/0005495, 10002/02.11.2021/0005506, 10002/02.11.2021/0005507-тартиб рақамли божхона юк декларация (БЮД)лари билан “эркин муомалага чиқариш” (ИМ-40) божхона режимига расмийлаштирилиб, акциз солиғи ставкаси Солиқ кодекси 289³-моддаси биринчи қисмининг 1-бандида кўрсатилган ставкаларда ундирилмаганлиги аниқланган.

Божхона қўмитасининг Қашқадарё вилояти бўйича бошқармаси (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) жавобгарлар “Enter Engineering Pte. Ltd” компанияси (бундан буён матнда Компания деб юритилади) ва унинг Ўзбекистондаги доимий муассасаси, “New Logistic” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда МЧЖ ёки божхона брокери деб юритилади) ва “Ўзбекнефтьгаз” акциядорлик жамияти (бундан буён матнда АЖ деб юритилади)га нисбатан иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Компаниянинг доимий муассасаси томонидан расмийлаштирилган 10002/02.11.2021/0005465, 10002/02.11.2021/0005466, 10002/02.11.2021/0005467, 10002/02.11.2021/0005469, 10002/02.11.2021/0005470, 10002/02.11.2021/0005471,



10002/02.11.2021/0005484, 10002/02.11.2021/0005486, 10002/02.11.2021/0005492, 10002/02.11.2021/0005493, 10002/02.11.2021/0005494, 10002/02.11.2021/0005495, 10002/02.11.2021/0005506, 10002/02.11.2021/0005507-тартиб рақамли БЮДлари асосида тўланиши лозим бўлган жами 224 266 560 сўм миқдорида божхона тўловларини ундиришни сўраган.

Бунга асос қилиб, даъво аризасида Солиқ кодекси 284-моддаси биринчи қисмининг 6 ва 7-бандларида акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириш ва бензинни, дизель ёқилғисини ва газни яқуний истеъмолчиларга реализация қилиш ёки улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш акциз солиғи (бундан буён ушбу бўлимда солиқ деб юритилади) солинадиган объект эканлиги кўрсатилганлиги, қайд қилинган БЮДларни расмийлаштиришда Солиқ кодекси 289³-моддаси биринчи қисмининг 1-бандида кўрсатилган ставка бўйича 224 266 560 сўм акциз солиғи (божхона тўловлари) ундирилмаганлиги аниқланганлиги, Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 295-моддасига кўра, декларант, божхона брокери, агар декларант билан тузилган шартномада бу назарда тутилган бўлса, божхона омборининг, эркин омборнинг, бож олинмайдиган савдо дўконининг эгаси, ташувчи, улар томонидан божхона режимларининг қўлланилиш талаблари ва шартларига амал қилинмаганда, халқаро почта ва курьерлик жўнатмаларининг почта алоқаси операторлари ва провайдерлари, башарти божхона назорати остида бўлган халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари йўқолса ёки божхона назоратисиз берилса, божхона тўловларини тўловчиси ҳисобланиши, аниқланган камомадларни давлат бюджетига ундириш мақсадида Компания номига 2022 йил 7 ноябрда 5/7-294-сонли ва 2022 йил 25 ноябрда 5/7-303-сонли хатлар билан талабномалар юборилганлиги, аммо, ҳозирги кунга қадар божхона тўловлари тўланмаганлигини кўрсатган.

Суднинг 2023 йил 6 апрелдаги ажрими билан “Uzbekistan GTL” МЧЖ жавобгар сифатида ишда иштирок этиш учун жалб қилинган.

Даъво аризасида 224 266 560 сўм миқдорида божхона тўловларини ундириш сўралган бўлса-да, суд мажлисида даъвогар вакили Солиқ кодекси 289³-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосан ундирилиши лозим бўлган акциз солиғи миқдори 201 839 904 сўмни ташкил этишини маълум қилган.

Шунинг учун Тошкент шаҳар суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 25 майдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаби қисман қаноатлантирилиб, МЧЖ ҳисобидан даъвогар фойдасига 201 839 904 сўм божхона тўловлари ундирилган. Даъво талабининг қолган қисми, шу жумладан бошқа жавобгарларга нисбатан қисмини қаноатлантириш рад этилган. Компаниянинг доимий муассасасига нисбатан даъво талаби бўйича иш юритиш тугатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 10 августдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб янги қарор қабул қилинган. Даъвогарнинг даъвосини қаноатлантириш рад этилган.

Иш юзасидан қабул қилинган апелляция инстанцияси судининг қарори устидан даъвогар Олий судга кассация шикояти билан мурожаат қилган ва унда апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, даъвони қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилишни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2023 йил 24 ноябрдаги ажрими билан кассация шикояти иш юритишга қабул қилинган.



Олий суднинг 2023 йил 26 декабрдаги ажрими билан кассация шикоятни бўйича суд муҳокамаси 2024 йил 16 январга қолдирилган.

Олий суд тафтиш инстанциясининг 2024 йил 3 январдаги ажрими билан даъвогарнинг кассация шикоятни тафтиш инстанциясида кўриб чиқилиши учун тафтиш инстанциясига ўтказилган.

Суд мажлисида даъвогар вакиллари шикоятда келтирилган важларни такрорлаб, Солиқ кодекси 289³-моддасининг 1-бандида белгиланган акциз солиғи акциз товари Ўзбекистонга олиб кирилганда, 5-банди бўйича акциз товари ўз эҳтиёжлари учун ишлатилганда ундирилиши, чунки, Солиқ кодекси 284-моддасининг 6 ва 7-бандларида акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириш ҳамда бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилиш ёки улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш акциз солиғи солинадиган объектлар деб белгиланганлиги, акциз солиғи Солиқ кодекси 289³-моддасининг 5-банди бўйича тўлаганлиги, энди эса 1-банди бўйича тўлаши лозимлиги, иккала ҳолатда ҳам акциз солиғи божхона органига тўланиши, бу ҳақда Молия вазирлигининг хатида кўрсатилганлигини баён қилиб, шикоятни қаноатлантиришни сўрашди.

Суд мажлисида жавобгар Компания вакиллари шикоятда келтирилган важларга эътироз билдириб, Солиқ кодекси 289³-моддасининг 1-банди бўйича ҳар 1 тн дизел ёқилғиси учун 216 000 сўмдан акциз солиғи тўланганлиги, Солиқ кодекси 289³-моддасининг 1-банди бўйича тўланган 216 000 сўм акциз солиғи ва 4-банди бўйича тўланиши лозим бўлган акциз солиғининг фарқини ундиришни сўраганлиги, БЮДлар қайта расмийлаштирилганлиги ва суднинг ҳал қилув қарори бўйича акциз солиғи тўлаб берилганлиги, Солиқ кодекси 289³-моддасининг 1-банди бўйича яна акциз солиғи тўлашни талаб қилишини баён қилиб, шикоятни қаноатлантиришни рад этишни сўрашди.

Суд мажлисида жавобгар божхона брокерининг вакиллари шикоятга эътироз билдириб, импорт қилишда акциз солиғи тўлаганлиги, Солиқ кодекси 289³-моддасининг 5-банди бўйича акциз солиғи солиқ органига тўланиши, БЮДларни қайта расмийлаштириш учун бир неча маротаба божхона органига мурожаат қилганлиги, аммо, божхона органи рад жавоби берганлигини баён қилиб, шикоятни қаноатлантиришни рад этишни сўрашди.

Аввалги суд мажлисида Иқтисодиёт ва молия вазирлигидан мутахассис сифатида иштирок этиб, дизельное топливо товарларини импорт қилишда акциз ва қўшилган қиймат солиғи тўланиши лозимлиги, агарда импорт қилувчида дизель ёқилғисини реализация қилиш учун лицензияси бўлмаса, Солиқ кодекси 289³-моддасининг 4-банди бўйича тўловлар божхона органи томонидан ундирилишини маълум қилди.

Тошкент шаҳар солиқ бошқармаси мутахассиси Солиқ кодекси 289³-моддасининг 4-банди бўйича тўловлар солиқ органлари томонидан ундирилиши белгиланганлигини маълум қилди.

“Uzbekistan GTL” АЖ ва “Ўзбекнефтгаз” АЖ суд муҳокамаси вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган бўлса-да, ундан вакил суд мажлисига келмади.



Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 324-моддасининг биринчи қисмига кўра, иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги ишни тафтиш тартибида кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди. Шу сабабли судлов ҳайъати ишни унинг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топади.

Судлов ҳайъати ишда иштирок этувчи шахслар вакилларининг тушунтиришларини тинглаб ва шикоятда келтирилган вазиятни иш ҳужжатлари билан бирга муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра тафтиш тартибида берилган шикоятни қаноатлантиришни рад этишни лозим топади.

Қозғоғистон Республикасининг ТОО “Servis Trans Plyus” корхонасидан Компаниянинг доимий муассасаси учун олиб келинган “дизель ёқилғиси” товарларини “эркин муомалага чиқариш” (ИМ-40) божхона режимига расмийлаштириш пайтида амалда бўлган Солиқ кодекси 289³-моддасининг биринчи қисмига кўра, нефть маҳсулотлари ва бошқа акциз тўланадиган товарлар ва хизматларга нисбатан солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланган:

Т/р	Товарлар (хизматлар) номи	Солиқ ставкаси	
		2021 йил 1 январдан	2021 йил 1 февралдан
1.	Нефть маҳсулотлари:		
	Аи-80	200 000 сўм/тонна	240 000 сўм/тонна
	Аи-90 ва ундан юқори	250 000 сўм/тонна	275 000 сўм/тонна
	авиакеросин (синтетикдан ташқари)	180 000 сўм/тонна	200 000 сўм/тонна
	дизель ёқилғиси (синтетикдан ташқари)	200 000 сўм/тонна	240 000 сўм/тонна
	ЭКО дизель ёқилғиси (синтетикдан ташқари)	180 000 сўм/тонна	216 000 сўм/тонна
	дизель ёки карбюратор (инжектор) двигателлари учун мотор мойи	280 000 сўм/тонна	340 000 сўм/тонна
2.	Полиэтилен гранулалар	20%	
3.	Табиий газ, шу жумладан экспорт	20%	
4.	Ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан сотиладиган суюлтирилган газ (бундан "Худудгазтаъминот" АЖ орқали аҳолига сотиладиган ҳажмлар мустасно), шу жумладан экспорт	30%	
5.	Якуний истеъмолчига сотиладиган:		
	бензин	1 литр учун 285 сўм/1 тонна учун 378 480 сўм	1 литр учун 350 сўм/1 тонна учун 465 530 сўм
	дизель ёқилғиси	1 литр учун 285 сўм/1 тонна учун 346 275 сўм	1 литр учун 350 сўм/1 тонна учун 425 918 сўм
	суюлтирилган газ	1 литр учун 285 сўм/1 тонна учун 540 645 сўм	1 литр учун 350 сўм/1 тонна учун 665 493 сўм
	сиқилган газ	1 куб метр учун 435 сўм	1 куб метр учун 500 сўм



6.	Мобиль алоқа хизматлари	15 %
7.	Хушбўйлаштирувчи ёки ранг берувчи кўшимчаларсиз оқ шакар	20 %

Юқорида қайд этилган БЮДлар бўйича “дизель ёқилғиси” товари “эркин муомалага чиқариш” (ИМ-40) божхона режимига расмийлаштириш жараёнида товар ўз эҳтиёжлари учун ишлатишга импорт қилинганлиги сабабли Солиқ кодекси 289³-моддаси биринчи қисмининг 1-бандида кўрсатилган ставка (1 тоннаси учун 216 000 сўмдан) бўйича божхона тўловлари (акциз солиғи) тўланган.

Даъвогар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 19 октябрдаги 06/04-01-02-32/2362-сонли хатига асосан ўтказилган ўрганишда Қозғистон Республикасининг ТОО “Servis Trans Plyus” корхонасидан Компаниянинг доимий муассасаси учун олиб келинган оғирлиги 812,56 тоннага тенг бўлган “дизель ёқилғиси” товарлари учун 10002/02.11.2021/0005465, 10002/02.11.2021/0005466, 10002/02.11.2021/0005467, 10002/02.11.2021/0005469, 10002/02.11.2021/0005470, 10002/02.11.2021/0005471, 10002/02.11.2021/0005484, 10002/02.11.2021/0005486, 10002/02.11.2021/0005492, 10002/02.11.2021/0005493, 10002/02.11.2021/0005494, 10002/02.11.2021/0005495, 10002/02.11.2021/0005506, 10002/02.11.2021/0005507-тартиб рақамли БЮДлар билан “эркин муомалага чиқариш” (ИМ-40) божхона режимига расмийлаштириш пайтида акциз солиғи ставкаси Солиқ кодекси 289³-моддаси биринчи қисмининг 4-банди бўйича (1 тн учун 425 918 сўм) эмас, балки 1-банди бўйича (1 тн учун 216 000 сўм) тўланганлиги аниқланганлиги, натижада 175 096 140,92 сўм миқдорда кам акциз солиғи тўланганлиги ҳақидаги асос билан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ушбу БЮД ва бошқа БЮДлар бўйича тўланмасдан қолган 432 975 604,29 сўм божхона тўловларини ундиришни сўраган.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 4-1001-2217/18067-сонли иш бўйича 2022 йил 20 июлда қабул қилинган ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Суднинг ушбу ҳал қилув қарорига асосан даъвогарнинг талабига БЮДлар қайта расмийлаштирилган ва суднинг ҳал қилув қарори билан ундирилган сумма тўлаб берилган.

Шундан сўнг, даъвогар мазкур иқтисодий ишни қўзғатиш учун асос бўлган даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Солиқ кодекси 284-моддаси биринчи қисмининг 6 ва 7-бандларида акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириш ва бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилиш ёки улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш акциз солиғи (бундан буён ушбу бўлимда солиқ деб юритилади) солинадиган объект эканлиги кўрсатилганлиги, қайд қилинган БЮДларни расмийлаштиришда Солиқ кодекси 289³-моддаси биринчи қисмининг 1-бандида кўрсатилган ставка бўйича 224 266 560 сўм акциз солиғи (божхона тўловлари) ундирилмаганлиги аниқланганлиги, Солиқ кодекси 289³-моддасининг 1-бандида белгиланган акциз солиғи акциз товари Ўзбекистонга олиб кирганда, 4-банди бўйича акциз товари ўз эҳтиёжлари учун ишлатилганда ундирилиши, яъни, акциз солиғи икки маротаба тўланиши, 4-1001-2217/18067-сонли иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилганидан сўнг БЮДлар қайта расмийлаштирилганлиги



ва акциз солиғи Солиқ кодекси 289³-моддасининг 4-банди бўйича тўлаганлиги, 1-бандида белгиланган акциз солиғи тўламасдан қолганлигини кўрсатган.

Тошкент шаҳар суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 22 сентябрдаги қарори билан Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 4-1001-2217/18067-сонли иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарори бекор қилинган.

Олий суд кассация инстанциясининг 2023 йил 21 ноябрдаги қарори билан Тошкент шаҳар суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 4-1001-2217/18067-сонли иш бўйича қабул қилинган 2022 йил 22 сентябрдаги қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Солиқ кодекси 284-моддасининг биринчи қисмида акциз солиғи солинадиган объектлар санаб ўтилган бўлиб, унинг 6-бандига кўра, акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириш, 7-бандига кўра эса, бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилиш ёки улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш акциз солиғи солинадиган объект ҳисобланади.

Қозоғистон Республикасининг ТОО “Servis Trans Plyus” корхонасидан Компаниянинг доимий муассасаси учун олиб келинган “дизель ёқилғиси” товарларини “эркин муомалага чиқариш” (ИМ-40) божхона режимига расмийлаштириш пайтида амалда бўлган Солиқ кодекси 289³-моддаси биринчи қисмининг 1 – 4-бандларида импорт (экспорт) қилинган товарлар, 5-бандида эса якуний истеъмолчига сотиладиган бензин, дизель ёқилғиси, суюлтирилган ва сиқилган газ учун акциз солиғи ставкаси белгиланган.

Солиқ кодекси 289³-моддасининг учинчи қисмига кўра, ушбу модда биринчи қисмининг 5-бандида назарда тутилган олиб кирилган (импорт қилинган) акциз тўланадиган товарларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатилганда, солиқ тўловчилари бўлиб ушбу товарларни ўз эҳтиёжлари учун олиб киришни амалга оширган шахслар эътироф этилади.

Яъни, Солиқ кодекси 289³-моддасининг ушбу қисмида якуний истеъмолчига сотиш учун импорт қилинган бензин, дизель ёқилғиси, суюлтирилган ва сиқилган газ истеъмолчиларга сотилмасдан ўз эҳтиёжлари учун ишлатилганда, ушбу товарларни импорт қилган ва ўз эҳтиёжлари учун ишлатган шахс солиқ тўловчи сифатида эътироф этилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 19 октябрдаги 06/04-01-02-32/2362-сонли хатида ҳам Божхона қўмитасининг 2021 йил 8 сентябрдаги 04-05/4-0669Х-сонли сўровига Солиқ кодекси 289³-моддасининг учинчи қисмига айнан шундай тушунтириш берилган.

Апелляция инстанцияси суди даъвогарнинг даъвосини рад қилиш ҳақида тўғри хулосага келган бўлса-да, бироқ қарорнинг асослантирувчи қисмида даъвогарнинг Солиқ кодекси 289³-моддасининг 1-бандида белгиланган акциз солиғи акциз товари Ўзбекистонга олиб кирганда, 5-банди бўйича акциз товари ўз эҳтиёжлари учун ишлатилганда, яъни, акциз солиғи тўланиши асоссизлиги ҳақида барвақт хулосага келган. Чунки, Божхона кодексининг 289-моддасига асосан, божхона божи, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона йиғимлари товарларни божхона чегараси орқали олиб ўтишда ва ушбу Кодексда назарда



тутилган бошқа ҳолларда тўланиши лозим бўлган божхона тўлови сифатида назарда тутилган.

Шу боис, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2022 йил 2 ноябрдаги 06/04-3794-сонли ва 2021 йил 19 октябрдаги 06/04-01-02-32/2362-сонли хатлари билан тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз эҳтиёжлари учун олиб кираётган ёқилғи маҳсулотлари учун якуний истеъмолчи томонидан тўланадиган акциз солиғини ундириш божхона органларига юклатилганлиги маълум қилинган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитасининг 2024 йил 11 январдаги 18/2-02728-сонли хатида ҳам тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз эҳтиёжлари учун олиб кираётган ёқилғи маҳсулотлари учун якуний истеъмолчи томонидан тўланадиган акциз солиғини ундириш бўйича божхона идораси ваколатли орган эканлиги ва ундириш божхона органига юклатилганлиги қайд қилинган.

Даъво аризаси мазмунига кўра, даъвогар жавобгардан Солиқ кодекси 289³-моддасининг 5-бандида белгиланган акциз солиғини ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан эмас, балки Солиқ кодекси 289³-моддасининг 1-бандида белгиланган акциз товари учун ундирилган акциз солиғини қайта ундириш ҳақида судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Демак, даъвогар Солиқ кодекси 289³-моддасининг 1-бандида белгиланган акциз солиғини импорт қилиш вақтида ундирган бўлса-да, кейинчалик мазкур иш бўйича ушбу ундирилган акциз солиғини такроран ундириш ҳақида асоссиз даъво киритган.

Шу боис, судлов ҳайъати апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгартиришни, қарорнинг асослантурувчи қисмидаги шунинг учун даъвогарнинг Солиқ кодекси 289³-моддасининг 1-бандида белгиланган акциз солиғи акциз товари Ўзбекистонга олиб кирганда, 5-банди бўйича акциз товари ўз эҳтиёжлари учун ишлатилганда, яъни акциз солиғи икки маротаба тўланиши ҳақидаги важи асоссиздир деган жумлани чиқариб ташлашни лозим топди.

ИПК 324⁷-моддасининг 1-бандига кўра, ишни тафтиш тартибида кўрадиган суд тафтиш тартибидаги шикоятни кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарорини, қарор ўзгаришсиз қолдиришга ҳақли.

Баён этилганлардан келиб чиқиб, судлов ҳайъати даъвогарнинг тафтиш шикоятини қаноатлантиришни рад этишни ва иш юзасидан қабул қилинган апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади. ИПКнинг 118-моддасига асосан суд харажатлари даъвогар зиммасига юклатилади. “Давлат божи тўғрисида”ги Қонун 9-моддаси биринчи қисмининг 12-бандига асосан давлат солиқ хизмати органлари, молия ва божхона органлари иқтисодий судларда барча ишлар ҳамда ҳужжатлар бўйича, шунингдек алоҳида юритиладиган ишлар бўйича судга аризалар берганлик учун давлат божи тўлашдан озод қилинганлиги сабабли, даъвогардан ишни тафтиш инстанцияси судида кўриш учун республика бюджетига давлат божи ундирилмайди. Тафтиш тартибидаги шикоят билан мурожаат қилишда тўланган почта харажатлари даъвогар зиммасида қолдирилади. Шунингдек, даъвогардан Олий суднинг депозит рақамига ишни тафтиш инстанцияси судида видеоконференцалоқа режимида кўриш билан боғлиқ 85 000 сўм суд харажатлари ундирилади.



Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 324⁷, 324⁹-моддаларини қўллаб, судлов ҳайъати

қ а р о р қ и л д и:

Божхона қўмитаси Қашқадарё вилояти бўйича бошқармасининг тафтиш тартибидаги шикоятини қаноатлантириш рад этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 10 августдаги қарори ўзгартирилсин.

Қарорнинг асослантирувчи қисмидаги “шунинг учун даъвогарнинг Солиқ кодекси 289³-моддасининг 1-бандида белгиланган акциз солиғи акциз товари Ўзбекистонга олиб кирганда, 5-банди бўйича акциз товари ўз эҳтиёжлари учун ишлатилганда, яъни акциз солиғи икки маротаба тўланиши ҳақидаги важи асоссиздир” деган жумла чиқариб ташлансин.

Қарорнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Божхона қўмитаси Қашқадарё вилояти бўйича бошқармасидан Олий судининг депозит рақамига ишни видеоконференцалоқа режимида кўриш билан боғлиқ 85 000 сўм суд харажатлари ундирилсин.

Ижро варақаси берилсин.

Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради. Мазкур қарордан норози тараф Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ва Бош прокурорига ишни Олий суди Раёсатига тафтиш тартибида протест келтириш учун шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Раислик қилувчи:

Т. Аннаева

ҳайъат аъзолари:

Ф. Ражабов

Р. Сагатов



4-10-2309/153-сонли иқтисодий иш

Қ А Р О Р

(хулоса)

Тошкент шаҳри

2024 йил 8 февраль

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати Т.Аннаеванинг раислигида ва ҳайъат аъзолари Ф.Ражабов ва Р.Сагатовдан иборат таркибда, даъвогар Божхона кўмитаси Қашқадарё вилояти бўйича бошқармасининг жавобгарлар “Enter Engineering Pte. Ltd” компанияси ва унинг Ўзбекистондаги доимий муассасаси, “New Logistic” масъулияти чекланган жамияти, “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти ва “Uzbekistan GTL” масъулияти чекланган жамиятидан 224 266 560 сўм божхона тўловларини ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича юритилган иш юзасидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 10 августдаги ҳал қилув қарори устидан Божхона кўмитаси Қашқадарё вилояти бўйича бошқармаси томонидан берилган тафтиш тартибидаги шикоят асосида ишни Олий суднинг биносида бўлиб ўтган видеоконференцалоқа режимидаги очик суд мажлисида кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 324⁷, 324⁹-моддаларини қўллаб, судлов ҳайъати

қ а р о р к и л д и:

Божхона кўмитаси Қашқадарё вилояти бўйича бошқармасининг тафтиш тартибидаги шикоятини қаноатлантириш рад этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 10 августдаги қарори ўзгартирилсин.

Қарорнинг асослантирувчи қисмидаги “шунинг учун даъвогарнинг Солиқ кодекси 289³-моддасининг 1-бандида белгиланган акциз солиғи акциз товари Ўзбекистонга олиб кирганда, 5-банди бўйича акциз товари ўз эҳтиёжлари учун ишлатилганда, яъни акциз солиғи икки маротаба тўланиши ҳақидаги важи асоссиздир” деган жумла чиқариб ташлансин.

Қарорнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Божхона кўмитаси Қашқадарё вилояти бўйича бошқармасидан Олий судининг депозит рақамига ишни видеоконференцалоқа режимида кўриш билан боғлиқ 85 000 сўм суд харажатлари ундирилсин.

Ижро варақаси берилсин.

Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

Мазкур қарордан норози тараф Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ва Бош прокурорига ишни Олий суди Раёсатига тафтиш тартибида протест келтириш учун шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Раислик қилувчи:

Т. Аннаева

ҳайъат аъзолари:

Ф. Ражабов

Р. Сагатов

